

«Тошкент» Республика фонд биржаси



2021 йил якунлари бўйича
Биржавий таҳлил



TOSHKENT

REPUBLICAN STOCK EXCHANGE

МУНДАРИЖА

Капитал бозори ривожланиши бўйича янгиликлар дайжести.....	3
Савдо натижалари.....	5
Савдо кўрсаткичлари.....	6
Бозор ва платформаларнинг йиллик натижалари.....	7
Соҳалар бўйича таҳлил.....	10
Ҳудудлар бўйича битимлар ҳажми.....	11
Листинг тоифаларига кўра биржа айланмаси тузилиши.....	12
Биржа бозори капиталлашуви таҳлили.....	15
Акциялар бозори.....	16
Платформалар бўйича таҳлил.....	17
Инвестор турлари бўйича таҳлил.....	19
Битимлар сони бўйича топ-10 акциянинг йиллик даромадлилик даражаси....	20
Облигациялар бозори.....	21
Савдолар бўйича таҳлил.....	22
Эмитентлар бўйича таҳлил.....	22
Облигация бозори воситалари таҳлили.....	23
Дисклеймер.....	24

Капитал бозори ривожланиши бўйича янгиликлар дайжести

Январ

✓ 2021 йил 28 январда, сўнгги 10 йил ичида биринчи марта, масъулияти чекланган жамият облигациялари биржа котировкалари рўйхатига киритилди. Қарз муносабатларини билдирувчи қимматли қоғозларнинг эмитенти “FIRS DEVELOPING GROUP” МЧЖ бўлиб, облигацияларининг йиллик фоиз ставкаси ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбатан девалвация/ревалвация даражасига боғлиқ, ҳамда сўндирилиш муддати 1 йил этиб белгиланди.



Март

✓ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29 мартдаги қарори билан давлат корхоналарини ислоҳ қилишнинг 5 йилга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди. Унга кўра, 2025 йилга келиб, давлат улушидаги корхоналар сони 75% га қискартирилади.

Апрел

✓ 2021 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6207-сонли “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Фармонда бир қатор муҳим масалалар ўрин олган бўлиб, улар капитал бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар эмисиясини кўпайтириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг фонд

бозоридаги иштирокини кенгайтириш усулларида иборат.

✓ 2021 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-5073-сонли “Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори имзоланди. Мазкур қарорга кўра, 2021 йил 1 майдан бошлаб Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тугатилиб, агентликнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига ўтказилди.

✓ 2021 йил 22 апрелда UzAuto Motors 300 млн АҚШ доллари миқдоридаги биринчи халқаро облигацияларини савдога чиқарди. Ушбу битим Ўзбекистон Республикаси корпоратив эмитентлари ўртасида чиқарилган биринчи халқаро облигация ҳисобланади.



Июн

✓ 2021 йил 1 июн куни Самарқанд шаҳрида “Тошкент” Республика фонд биржаси, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ўртасида хусусий сектор субъектларини капитал бозорини ривожлантиришга кенг жалб этиш ва аҳолининг кенг қатламлари орқали инвестицияларни жалб қилишни

фаоллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Июл

✓ 2021 йилнинг июл ойида “Global Markets” журнаlining Ўзбекистонда фонд бозорининг ривожланишига бағишланган сони чоп этилди.

Сентябр

✓ 29-30 сентябр кунлари Тошкентда “Ўзбекистон: иқтисодий ислохотлар ютуқлари ва уларнинг истиқболлари” Халқаро иқтисодий форуми бўлиб ўтди, унда бир қатор йирик шартномалар имзоланди. Тадбирда “Тошкент” Республика фонд биржаси форум ташкилотчиси сифатида иштирок этди.

Октябрь

✓ 7 октябрь куни Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонга 100 млн АҚШ долларлик кредит ажратишни маъқуллади. Молиявий воситалар Ўзбекистон Республикаси ҳокимият органларининг давлат облигациялари, корпоратив қимматли қоғозлар бозорини янада ликвидли шакллантириш, инвесторлар базасини диверсификация қилиш, молиявий воситалар турларини кенгайтиришда қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Ноябр

✓ 25-26 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида МДХ давлатларининг II Халқаро молия-банк форуми бўлиб ўтди. Форумда турли биржалар, молия бўлимлари, банк ассоциациялари, суғурта ва лизинг компаниялари вакиллари иштирок этди. “Тошкент” РФБ форум ташкилотчиларидан бири бўлди.

✓ 2021 йилнинг 26 ноябр куни Москва биржаси ва “Тошкент” Республика фонд биржаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ҳамкорлик доирасида биржа воситаларини ривожлантириш, янги бозорларни очиш ва икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш каби масалалар кўриб чиқилади. Меморандумга



мувофиқ, савдо платформаларининг котировка варақларига киритилган қимматли қоғозларни кросс-листинг қилиш учун биржалар ўртасида савдо алоқаларини ўрнатиш имконияти ўрганилади.

Декабр

✓ 2021 йил 9 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Буюк Британиянинг TheCityUK саноат ташкилоти билан, Ўзбекистон Республикасининг капитал бозорини ривожлантиришда Буюк Британия тажрибасини қўллаш муносабати билан, ўзаро англашув меморандумини имзолади.



Савдо натижалари

71 489 ▲ +98,2%

Битимлар миқдори

1 260,51 ▲ +118%

Битимлар ҳажми, млрд сўм

108 ▲ +5

Савдода қатнашган
эмитентлар миқдори

14,18

Савдо қилинган қимматли
қоғозлар миқдори, млрд дона

132 ▲ +7


Савдо қилинган воситалар
миқдори

250

Савдо бўлиб ўтган кунлар
миқдори

Савдо кўрсаткичлари

2021 йилнинг 12 ойлик битимлар сони ва ҳажми



2021 йил давомида 108 та эмитентнинг 14,2 млрд дона қимматли қоғозлари билан жами 1,26 трлн сўмлик 71 489 та битим тузилди.


Битимларнинг энг катта ҳажми май ойида қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич 612,4 млрд сўмни ташкил этган. Битимларнинг максимал ҳажми 25 майга тўғри келиб, шу куни савдонинг умумий суммаси 585,71 млрд сўмга етди. Энг кичик ҳажми сентябр ойида 12,57 млрд сўм билан қайд этилган.

Энг кўп битимлар ноябр ойида амалга оширилган бўлиб, уларнинг


миқдори 9 342 тани ташкил этди. 2 ноябр энг кўп битимлар тузилган кун (1 173 дона) бўлиб, 2021 йилдаги ўртача кунлик битимлар сонининг 4,1 бараваридан ошди. Энг кичик кўрсаткич эса январ ойида амалга оширилган бўлиб, 3 014 тани ташкил этди.

2021 йилда барча платформаларда амалга оширилган ўртача кунлик битимлар сони 286 тани, ўртача кунлик ҳажми – 5,04 млрд сўмни, муомаладаги қимматли қоғозларнинг ўртача кунлик сони – 56,72 млн донани ташкил этди.

Битимлар ҳажми



Битимлар миқдори



2021-йилда амалга оширилган битимлар ҳажми ва миқдорини қолган йилларнинг худди шундай давлари билан солиштирсак, иккала кўрсаткичда ҳам мос равишда сезиларли ўсиш кузатишган:

2018 йилда - 419,9% ва 83,40%;

2019 йилда - 117,9% ва 187,3%;

2020 йилда - 98,2% ва 118,03%.

Бозор ва платформаларнинг йиллик натижалари

№	Савдо тизимининг бўлимлари	2021 йил			
		Эмитентлар	Битимлар	Қимматли қоғозлар	Битимлар ҳажми, млн сум
	Ягона дастурий-техник мажмуа (ЯДТМ) бўлими:				
I.	«Stock Market» акциялар бозори:	105	71 182	14 181 343 467	1 145 368,6
1.	G1- «Main Board»	101	71 164	5 429 007 993	397 842,2
2.	T1- «Nego Board»	14	18	8 752 335 474	747 526,4
II.	РЕПО битимлар бозори	2	6	214	3,4
III.	«Bond Market» облигациялар бозори:	5	300	72 633	113 394,9
1.	G1- «Main Board»	4	289	62 633	62 784,0
2	T1- «Nego Board»	1	11	10 000	50 610,9
	ЯДТМ брокерлик тизимида:				
1.	Public offering (PO)	1	1	177 972	1 742,8
	Жами	108	71 489	14 181 594 286	1 260 509,7

“Stock Market” акциялар бозорида асосий савдо платформаси бўлган G1 – “Main Board” бўлимида 2021 йилда 101 та эмитентнинг акциялари билан жами 397,8 млрд сўмлик

71 164 та битим тузилди. Битимларнинг энг катта ҳажми “Kapitalbank” АТБ /КПБА1/ имтиёзли акциялари билан (93,67 млрд сўм) амалга оширилди.

T1- "Nego Board" платформасида, яъни, музокаралар аукцион режимда ҳажми чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг камида 1 % ни ташкил этадиган қимматли қоғозлар пакетлари билан битимлар тузиладиган бўлиб, кўриб чиқиладиган даврда 14 та эмитентнинг қимматли қоғозлари билан умумий қиймати 747,5 млрд сўмлик 18 та битим қайд этилган. Битимларнинг энг катта ҳажми “Ohangaronsement” АЖ 557,69 млрд сўмлик /OHSM/ оддий акциялари билан тузилган бўлиб, бу умумий биржа ҳажмининг 56,4%ни ташкил этди. “O'ztashqineftgaz” АЖ /UTNG/ оддий акциялари билан битимларнинг энг кичик ҳажми амалга оширилган бўлиб, 1,4 млрд сўмни ташкил этди, бу умумий биржа ҳажмининг 0,05%га тенг.

ТҚҚМП Nego – Талабномаларни қабул қилишнинг махсус платформаси.

2021 йилда ТҚҚМП Nego платформасида 52 та эмитент қимматли қоғозларининг потенциал харидорини аниқлаш учун танлов ўтказилди. Улардан 8 та битим “Nego Board” платформасида қайд этилган бўлиб, “Тошкент” РФБнинг талабномаларни қабул қилиш учун махсус платформаси ёрдамида харидор аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги барча операцияларда сотувчи сифатида иштирок этган.

№	Эмитентлар	Тикер	Асос	Бошланғич нарх, сўм	Танлов санаси	Битим санаси	Савдо қилинган қим. қоғ.лар миқдори	Битимлар ҳажми, сўм
1	"O'ztashqineftgaz" АЖ	UTNG	10.04.2020й.даги №58к-По	1 422 285 960,00	17.09.2020-01.10.2020	08.01.2021	102 000	1 422 285 960,00
2	"O'zqishloqelektrqurilish" АЖ	UQEQ	15.05.2020й.даги №22-Па ва 02.10.2020й.даги 56-Па	18 322 714 999,40	03.02.2021-17.02.2021	25.02.2021	472 990	20 079 508 647,10
3	"Asaka yog'" АЖ	ASYG	05.05.2022й.даги №63 ва 27.01.2021й.даги №16	15 446 388 946,50	16.02.2021-02.03.2021	12.03.2021	2 206 170	15 446 388 946,50
4	"Buxoro ta'mirlash mexanika zavodi" АЖ	BTMZ	29.04.2020й.даги №11а	15 204 276 045,00	26.02.2021-15.03.2021	27.03.2021	1 891 785	15 204 276 045,00
5	"O'zElektroterm" АЖ	UZET	26.04.2021й.даги №31-03/EMA	14 840 601 004,28	31.05.2021-14.06.2021	25.06.2021	480 334	20 080 007 422,84
6	"Yog'gar" АЖ	YGGR	30.04.2020й.даги №45-11 ва 28.01.2021й.даги №8-П	29 581 886 976,00	15.07.2021-19.07.2021	25.08.2021	527 390	4 888 947 491,20
7	"Sarbon-Neftegaz" АЖ	SANE	27.04.2020й.даги №68к-По	23 518 287 711,00	16.04.2021-30.04.2021	05.11.2021	3 371 570	36 099 332 558,60
8	"Andijonyog'moy" АЖ	AEMK	25.05.2020й.даги №66, 27.01.2021й.даги №17 ва 06.08.2021й.даги №177	25 920 616 525,10	09.11.2021-23.11.2021	06.12.2021	38 951	4 152 087 012,70

Жадвалдан кўриниб турибдики, ТҚҚМП Nego платформасида танлов йўли билан потенциал харидори аниқланган ҳар бир эмитентнинг қимматли қоғозлари қиймати уларнинг номинал баҳосидан сезиларли даражада юқори бўлган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, “Yog'gar” АЖ /YGGR/ акциялари пакетини сотиш ва сотиб олиш бўйича битим тўрт томонлама шартномага асосан қисмларга (лотларга) бўлиб

амалга оширилади. Битимнинг биринчи қисми суммаси 2,69 млрд сўмни ташкил этди. Битим 290 065 та акция билан амалга оширилди, бу ўз навбатида бутун пакетнинг 10%ни ташкил қилади. Битимнинг иккинчи қисми бутун пакетнинг 8,18% улушига тенг 2,20 млрд сўмлик қимматли қоғозлар билан амалга оширилди. Битимнинг қолган қисмлари ҳар бир чорақда 2024 йилнинг II чорагигача амалга оширилади.

“Andijonyog’moy” АЖ /АЕМК/ акциялари пакети ҳам сотувчи ва харидор ўртасидаги икки томонлама қўшимча келишувга асосан қисмларга (лотларга) бўлиниб олди-сотди битимлари амалга оширилади. Шартномага мувофиқ, акциялар пакетининг биринчи қисми билан битим 2021 йил 6 декабрда тузилди. Битим 38 951 дона акция билан амалга оширилиб, 4,15 млрд сўмни ташкил этди. Акциялар пакетини сотиб олиш ва сотишнинг қолган қисмлари ҳар бир календар чорақ давомида 2023 йилнинг IV чорагигача амалга оширилади.

РЕПО битимлар бозори

2021 йилда РЕПО бозорида 2 та эмитентнинг қимматли қоғозлари билан жами 6 та битим тузилди. Битимларнинг умумий ҳажми 3,37 млн сўмни ташкил этди. Сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув бўйича барча 6 та битим 15 кунлик муддатга тузилди.

РЕПО бозорида тузилган 6 та битимдан 4 таси “Kvarts” АЖ /UZ7025770/ оддий акциялари билан тузилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 689,74 минг сўмни ташкил этди. Қолган 2 та битим “FIRST DEVELOPING GROUP” МЧЖ /UZ6057027/ облигациялари билан амалга оширилган бўлиб (2,68 млн сўм), уларнинг ҳажми репо бозори операциялари умумий ҳажмининг 79,5%ни ташкил этди.

«Bond Market» облигациялар бозори

2021 йил давомида облигациялар бозорида эмитентларнинг қарз қимматли қоғозлари билан тузилган умумий битимлар сони 300 тани, битимлар ҳажми эса 113,39 млрд сўмни ташкил этди. Облигациялар бозорида қарз қимматли қоғозлари савдоси “Main Board” ва “Nego Board” платформаларида амалга оширилади. Улардан:

- “Main Board” бўлимида 4 та эмитентнинг облигациялари билан 62,78 млрд сўмлик 289 та битим қайд этилган бўлиб, ушбу сумманинг 79,64% (50 млрд сўм) “Kapitalbank” АТБ /KPB4/ корпоратив облигациялари ҳисобидан шакллантирилган;

- “Nego Board” бўлимида 1 та эмитент “O’zmetkombinat” АЖнинг қарз қимматли қоғозлари иштирокида 50,61 млрд сўмлик 11 та битим тузилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, “O’zmetkombinat” АЖ корпоратив облигациялари “Тошкент” РФБнинг “Nego Board” савдо платформасида биринчи марта 2021-йил 24-декабрда жойлаштирилган. Эмитент номинал қиймати 5 000 000 сўм бўлган 10 000 дона облигациялар чиқарди. Савдолар натижасида қарз қимматли қоғозлари нархи 1,2 фоизга ошиб, бир дона облигация қиймати 5,06 миллион сўмга етди.

(Облигациялар бозори ҳақидаги батафсил маълумотлар 24-бетда келтирилган)


Соҳалар бўйича таҳлил

2021 йилда иқтисодиётнинг 10 та соҳаси бўйича акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари билан биржа савдолари бўлиб ўтди. Энг кўп битимлар банк ва қурилиш соҳаси эмитентларининг қимматли қоғозлари билан амалга оширилди. Банк сектори эмитентларининг қимматли қоғозлари билан 23 421 та битим тузилди, бу биржа битимлари умумий сонининг 32,76 %ни ташкил этди.


Қурилиш соҳасидаги 6 та эмитентнинг қимматли қоғозлари билан 20 660 та битим тузилди (биржа битимлари умумий сонининг 28,9%).

Қимматли қоғозлар билан биржа битимлари умумий ҳажмининг 50,86% қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келди. Мазкур тармоқ эмитентлари билан тузилган битимларнинг умумий суммаси 641,2 млрд сўмни ташкил этди. Банк сектори эмитентларининг қимматли қоғозлари билан тузилган битимлар ҳажми 312,6 млрд сўмга етиб, бу умумий биржа ҳажмининг 24,8%ни ташкил этди. Энергетика ва саноат тармоқлари акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари билан тузилган битимлар мос равишда 98,9 млрд сўм ва 95,1 млрд сўмни ташкил этди. Битимларнинг энг кам ҳажми алоқа ва транспорт соҳасидаги қимматли қоғозлар билан тузилган бўлиб, мос равишда 324,6 млн сўм ва 28,06 млн сўмга тенг бўлди.

Соҳалар бўйича 2021 йилда тузилган битимлар миқдори



Соҳалар бўйича 2021 йилда тузилган битимлар ҳажми, фоизларда



Тармоқлар	Битимлар, дон	Қимматли қоғозлар миқдори	Битимлар ҳажми, сўм
Қурилиш	20 660	4 054 539 275	641 170 891 150,65
Банклар	23 421	8 370 925	312 611 098 962,43
Энергетика	4 570	4 596 653	98 917 457 161,50
Саноат	11 022	5 749 827	95 137 094 697,81
Агросаноат	1 135	9 955 900 879	40 184 058 400,29
Суғурта	1 452	137 547 924	36 415 641 310,74
Бошқалар	8 834	250 896	35 309 011 727,89
Лизинг	34	123 873	411 838 695,73
Алоқа	280	224 748	324 605 075,44
Транспорт	81	4 054 539 275	28 057 931,30
Жами	71 489	14 181 594 286	1 260 509 755 113,78

Худудлар бўйича битимлар ҳажми



Энг йирик битимлар ҳажми Тошкент вилоятидаги 13 та эмитентнинг қимматли қоғозлари билан тузилган. Ушбу ҳудудда эмитентларнинг қимматли қоғозлари билан тузилган барча 8 503 та битимнинг умумий суммаси 635,95 млрд сўмни ташкил этиб, биржа савдолари умумий ҳажмининг 50,45% га тенг.

Энг кўп битимлар миқдори Тошкент шаҳридаги 44 та эмитентнинг қимматли қоғозлари билан тузилган. Мазкур ҳудуд эмитентларининг қимматли қоғозлари билан жами 425,78 млрд сўмлик 31 071 та битимлар амалга оширилган.

Битимлар ҳажми бўйича кейинги ўринни Навоий вилояти эмитентларининг қимматли қоғозлари эгаллади. Мазкур вилоят акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари савдоси ҳажми 41,88 млрд сўмни ташкил этди. Улар орасида “Qizilqumsement” АЖ /QZSM/ акциялари энг ликвидли бўлди. Ушбу эмитентнинг 1,74 млн дона оддий акцияларидан 10,25 млрд сўмлик 8 434 дона битим тузилди.

Худудлар	Эмитентлар сони	Битимлар миқдори	Қимматли қоғозлар миқдори	Битимлар ҳажми, млрд сўм
Андижон вилояти	6	7 395	295 943 459	31,61
Бухоро вилояти	8	457	4 339 139	21,99
Тошкент шаҳри	44	31 071	13 856 924 397	425,78
Жиззах вилояти	2	541	122 321	0,41
Қашқадарё вилояти	7	148	907 296	0,22
Навои вилояти	3	8 489	7 703 151	41,88
Наманган вилояти	6	697	1 221 486	25,25
Қорақалпоғистон Республикаси	3	6	566 322	4,92
Самарқанд вилояти	3	654	1 105 860	30,99
Сирдарё вилояти	2	6	767 224	0,50
Тошкент вилояти	13	8 503	6 467 847	635,95
Фарғона вилояти	9	13 458	5 521 747	41,00
Хоразм вилояти	2	64	4 037	0,02
Жами	108	71 489	14 181 594 286	1 260,51

Листинг тоифаларига кўра биржа айланмасы тузилиши

2021 йил якуни бўйича “Тошкент” РФБ биржа котировкалари варақасига 139 та эмитентнинг қимматли қоғозлари киритилган бўлиб, улардан 135 таси акция эмитентлари, шу жумладан, улардан 3 таси облигациялар эмитентлари ва 4 таси фақат облигациялар эмитентларидир.

Биржа котировкалари варақасида акция эмитентлари икки тоифага бўлинади. Улардан:

- “Премиум” тоифаси - 1 та эмитент, “O’zbekiston tovar-xomashyo birjasi” АЖ /URTS/, акциялари;
- “Стандарт” тоифаси - 134 та эмитентнинг акциялари.

Листинг тоифаси бўйича 2021 йилги савдо натижалари



Листинг тоифалари бўйича энг кўп битимлар миқдори ва савдолар ҳажми “Стандарт” тоифасидаги эмитентларнинг акциялари билан – 1 119,31 млрд сўмлик 64 058 та битимлар кайд этилди.

“Премиум” тоифасидаги эмитентнинг қимматли қоғозлари билан, 26,05 млрд сўмлик 7 124 та битим тузилди, бу умумий биржа ҳажмининг 2,07%ни ташкил этади.

Биржа котировка варақаси

2021 йил давомида биржа котировкалари рўйхатига 14 та акциядорлик жамияти (АЖ) ва 2 та масъулияти чекланган жамиятнинг (МЧЖ) қимматли қоғозлари киритилди:

№	Эмитент номи	Листинг санаси	Бозор/Тоифси	Қимматли қоғозлар тури
1.	“UzMED-lizing” ИЛК АЖ	13.01.2021	Stock Market Стандарт	оддий акциялар
2.	“Imkon finans mikrocredit tashkiloti” АЖ	14.01.2021	Bond Market	корпоратив облигациялар
3.	“FIRST DEVELOPING GROUP” МЧЖ	04.02.2021	Bond Market	корпоратив облигациялар
4.	“CHUST RIR MIKROKREDIT TASHKILOT” МЧЖ	03.04.2021	Bond Market	корпоратив облигациялар
5.	“Ta'minotchi-Paxta” АЖ	02.04.2021	Stock Market Стандарт	оддий акциялар
6.	“Bosh maxsus konstruktor byurosi-Agromash” АЖ	09.04.2021	Stock Market Стандарт	оддий акциялар
7.	“Xorazm kafolat savdo” АЖ	10.05.2021	Stock Market Стандарт	оддий акциялар
8.	“O'zElektroterm” АЖ	28.05.2021	Stock Market Стандарт	оддий ва имтиёзли акциялар
9.	“Buxoroneftgazavtonaql” АЖ	28.05.2021	Stock Market Стандарт	оддий ва имтиёзли акциялар
10.	“Orient Finans” ХАТБ	10.06.2021	Stock Market Стандарт	оддий ва имтиёзли акциялар
11.	“Toshkent yog'-moy kombinati” АЖ	10.06.2021	Stock Market Стандарт	оддий ва имтиёзли акциялар
12.	“Yangiqo'rg'on paxta tozalash” АЖ	16.07.2021	Stock Market Стандарт	оддий акциялар
13.	“O'zikkilamchiranglimetall” АЖ	27.08.2021	Stock Market Стандарт	оддий акциялар
14.	“Kapitalbank” АТБ	06.09.2021	Bond Market	корпоратив облигациялар
15.	“1-Temir beton mahsulotlari zavodi” АЖ	09.11.2021	Stock Market Стандарт	оддий акциялар
16.	“O'zmetkombinat” АЖ	24.12.2021	Bond Market	корпоратив облигациялар


Шу тариқа, 2021 йил якунида биржа котировкалари рўйхатига 16 та эмитентнинг қимматли қоғозлари киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти “Стандарт” тоифасига киради. Бундан ташқари, 5 та эмитентнинг корпоратив облигациялари Bond Market бозорига киритилди.

Шу билан бирга, йил давомида 21 та акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари биржа котировкалари варақасидан чиқарилди (делистинг).

№	АЖ Номлари	Тоифаси	Сабаби
1	“Asia Alliance Bank” АТБ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
2	“O'zagroeksportbank” АТБ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
3	“Асака” АТБ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
4	“Jizzax akkumulyator zavodi” АЖ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
5	“Chirchiq qishloq xo'jaligi texnikasi zavodi” АЖ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
6	“MEGA PRO BUSINESS” АЖ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
7	“Invest Finance Bank” ХАТБ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
8	“Davir-bank” ХАТБ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
9	“Alliance-Leasing” АЖ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
10	“Hi-Tech Bank” ХАТБ	Стандарт	Биржа котировкалари варақасида бўлиш шартларига мос келмаслик
11	“Uzbek Leasing International A.O.” АЖ ҚҚ	Bond Market	Облигациялар тўлиқ жойлаштирилганлиги ва сўндирилиш муддати яқунланганлиги
12	“Farg'ona Go'sht Sut Savdo” АЖ	Стандарт	Эгалик ҳуқуқининг АЖдан МЧЖга ўзгартирилганлиги
13	“Namanganvino” АЖ	Стандарт	Эгалик ҳуқуқининг АЖдан МЧЖга ўзгартирилганлиги
14	ЧЭИИ “Toshkentvino kombinati” АЖ	Стандарт	Эмитентнинг мурожаатига кўра ихтиёрий равишда
15	“Foykon” АЖ	Стандарт	Эмитентнинг мурожаатига кўра ихтиёрий равишда
16	“Granit” АЖ	Стандарт	Эмитентнинг мурожаатига кўра ихтиёрий равишда
17	“Navoiy dori-darmon” АЖ	Стандарт	Эмитентнинг мурожаатига кўра ихтиёрий равишда
18	Andijon shahar “Markaziy dehqon bozori” АЖ	Стандарт	Эмитентнинг мурожаатига кўра ихтиёрий равишда
19	“Sredazenergosetproekt” АЖ	Стандарт	Эмитентнинг мурожаатига кўра ихтиёрий равишда
20	“Universal Sug'urta” АЖ	Стандарт	Эмитентнинг мурожаатига кўра ихтиёрий равишда
21	“O'ztashqineftgaz” АЖ	Стандарт	Эмитентнинг мурожаатига кўра ихтиёрий равишда

Биржа бозори капиталлашуви таҳлили

2021 йилдаги биржа котировкалари varaқасига киритилган эмитентларнинг капиталлашуви (трлн сўм)



2021 йил бошида биржа котировкалари varaқасига киритилган эмитентларнинг умумий бозор капиталлашуви йил бошидан феврал ойи охиригача сезиларли даражада ўсиб, 55,14 трлн сўмдан, 113,30 трлн сўмга етди. Ушбу ўсишга “Universal Sug’urta” АЖ /UNSU/ оддий акциялари нархининг ғайритабиий ўсиши сабаб бўлди. “Universal Sug’urta” АЖ оддий акцияларининг котировка нархи “Тошкент” РФБнинг “Main Board” савдо платформасида 1 феврал куни 1,05 сўм даражасида бўлган, кейин жадал ўсиш кузатилди. Номинал баҳоси 0,01 сўм бўлган бир дона акция нархи 26 февралда 21,55 сўмга етди.

Март ойи ўрталарида капиталлашув ҳажми босқичма-босқич пасайишни бошлади ва 31 мартда 62,43 трлн сўмга тушди. 2021 йилнинг апрелидан ноябр ойининг ўрталарига қадар эмитентларнинг бозор капиталлашувида кичик тебранишлар кузатилиб, барқарор вазият юзага келди ва капиталлашув диапазони 59,77 трлн сўмдан, 72,22 трлн сўмгача ўзгариб турди.

25 ноябрдан 14 декабрга қадар умумий капиталлашувда яна ўсиш кузатилди. Бу даврда нарх диапазони 78,13 трлн-95,85 трлн сўмни ташкил қилди. “Universal Sug’urta” АЖ акциялари нархининг 2021 йил 22 ноябрда 3,98 сўмдан, 2021 йил 2 декабрда 14,40 сўмгача кўтарилиши капиталлашув ўсишида асосий омил бўлди. 15 декабр куни “Universal Sug’urta” АЖ акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан “Тошкент” РФБ котировкалари рўйхатидан ихтиёрий равишда чиқарилди. Натижада капиталлашув ҳажми 58,96 трлн сўмгача камайиши кузатилди.

2021 йил якуни бўйича биржа котировкалари varaқасига киритилган эмитентларнинг умумий бозор капиталлашуви 56,20 трлн сўмни ташкил этди.

Акция бозори

71 182 ▲ +99%

Битимлар миқдори

1 145,98 ▲ +127%

Битимлар хажми, млрд сўм

105 ▲ +5

Савдода қатнашган
эмитентлар миқдори

14,18

Савдо қилинган қимматли
қоғозлар миқдори, млрд дона

250

Савдо бўлиб ўтган кунлар
миқдори

125 ▲ +9

Савдо қилинган воситалар
миқдори

Платформалар бўйича таҳлил

Бозор	Битимлар миқдори, дона	Қимматли қоғозлар, дона	Битимлар ҳажми, сўм
UZSE PO	1	177 972	1 742 863 778,52
UZSE Repo	4	210	689 736,02
UZSE Stock	71 182	14 181 343 467	1 145 368 575 888,47
Итоғ	71 187	14 181 521 649	1 147 112 129 403,01

2021 йилда фонд бозорида 105 та эмитентнинг 14,18 млн дона қимматли қоғозлари билан 71 187 та битим қайд этилди. Тузилган битимлар ҳажми 1 147,11 млрд сўмдан ошди.


Платформа	Битимлар миқдори, дона	Қимматли қоғозлар, дона	Битимлар ҳажми, сўм
Main Board	71 164	5 429 007 993	397 842 153 133,10
Nego Board	18	8 752 335 474	747 526 422 755,38
Жами	71 182	14 181 343 467	1 145 368 575 888

2021 йилда акциялар билан тузилган умумий битимларнинг 99% “Main Board” платформасида амалга оширилганлигига қарамасдан, битимларнинг энг катта ҳажми “Nego Board” платформасида (65%) амалга оширилган.

Топ-10 акциялар

2021 йилда эмитентларнинг қимматли қоғозлари билан тузилган битимлар сони ва ҳажми бўйича биржанинг G1- “Main Board” платформасидаги топ-10 акциялар.

Битимлар миқдори бўйича топ-10 акция



2021 йилда тузилган битимлар сони бўйича энг юқори натижани “Kvarts” АЖ /KVTS/ ва “Qizilqumsement” АЖ /QZSM/ оддий акциялари курсатиб, улар умумий битимлар сонининг мос равишда 13,5% ва 11,8% ни ташкил этган. “O'zbekiston respublika tovar-homashyo birjasi” АЖнинг /URTS/ оддий акциялари билан тузилган 7 124 та битим, умумий

битимлар миқдорининг 9,97%га тенг. Тижорат банкларининг оддий акциялари билан қуйидаги миқдордаги битимлар тузилди:


❖ “Hamkorbank” АТБ /НМКБ/ – 6 845 та битим (умумий битимлар миқдорининг 9,6%);

❖ “Ipoteka-bank” АТИБ /ИПТВ/ – 6 072 та битим (умумий битимлар миқдорининг 8,5%);

❖ “O'zbekiston sanoat - qurilish banki” АТБ /SQBN/ – 5 610 та битим (умумий битимлар миқдорининг 7,8%).

Топ 10 акцияларнинг қуйи ўринларини “Sarbon Neftegaz” АЖ /SANE/ ва “Qo'qon mexanika zavodi” АЖ /KUMZ/ оддий акциялари эгаллаб, улар билан мос равишда 1 591 ва 1 555 та битимлар тузилган, бу умумий битимлар сонининг 2,2% ва 2,1% ни ташкил қилади.

Битимлар ҳажми бўйича топ-10 акция, млрд сўм



2021 йилда амалга оширилган битимларнинг энг катта ҳажми “Kapitalbank” АТБ /KPBA1/ имтиёзли акциялари билан қайд этилди – 93,67 млрд сўм, бу умумий биржа ҳажмининг 7,4 %ни ташкил этди. “Savdogar” АТБ /SVDB/ оддий акциялари билан 83,51 млрд сўмлик битимлар тузилиб, умумий биржа ҳажмининг 6,6% ни ташкил этган.


“Orient Finance” ХАТБ /ORFI/ оддий акциялари билан тузилган битимлар ҳажми 53,00 млрд сўмни, умумий битимлар ҳажмидаги улуши эса 4,2% ни ташкил этди. “O'zbekiston Respublikasi tovar-xomashyo birjasi” АЖ /URTS/ ва хорижий инвестициялар иштирокидаги “Quvasoycement” АЖнинг /KCSM/ оддий акциялари билан тузилган битимлар ҳажми 26,05 млрд сўм ва 24,54 млрд сўмга етди.

Топ 10 рейтингини “Kvarts” АЖ /KVTs/ ва “Bosh maxsus konstruktor byurosi-Agromash” /BMAG/ акциялари 9,04 млрд ва 6,01 млрд сўмлик битимлар ҳажми билан яқунлади, бу умумий битимлар ҳажмининг мос равишда 0,7% ва 0,5%ни ташкил этган.


Инвестор турлари бўйича таҳлил

2021 йил давомида жисмоний шахслар томонидан қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича амалга оширилган операциялар сони юридик шахслар кўрсаткичидан яққол ошиб кетди. Шу билан бирга, жисмоний шахслар ўртасида қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича битимлар сони уларни сотиш бўйича битимлар сонидан кўп. Юридик шахсларда эса аксинча, қимматли қоғозларни сотиш бўйича битимлар сони уларни сотиб олиш бўйича битимлар сонидан кўп.

Инвестор турлари бўйича битимлар миқдори




Инвестор турлари бўйича битимлар ҳажми, млрд сўм



Жорий йилнинг ўтган даврида биржа савдоларида иштирок этувчи юридик шахслар томонидан 941,06 млрд сўмлик акциялар билан сотувлар ва 895,72 млрд сўмлик харидлар амалга оширилди. Шу билан бирга, жисмоний шахслар томонидан 204,31 млрд сўмлик акциялар сотилган ва 249,64 млрд сўмга сотиб олинган. Кўрсаткичларга кўра, жисмоний шахслар томонидан сотиб олиш билан боғлиқ битимлар ҳажми сотиш кўрсаткичидан ошиб кетганини кўриш мумкин. Хусусан, юридик шахслар ихтиёридаги акциялар миқдори ошиб бориши кузатилмоқда.

Битимлар сони бўйича топ-10 акцияларнинг йиллик даромадлилик даражаси



* – 4 январдаги очилиш нархлари ва 30 декабрдаги ёпилиш нархлари солиштирилди.

** – Битимлар миқдори бўйича Топ 10 акциялар энг ликвидли акциялар сифатида қабул қилинди (17-бет).

2021 йил давомида тузилган битимлар миқдори бўйича топ 10 акциялар қаторидан, “O'zsanoatqurilishbank” АТБ /SQBN/ акцияларидан ташқари (▼-18,75%), барча эмитентларнинг қимматли қоғозлари нархлари ўсишни қайд этди.

Йил якуни бўйича оддий акциялар бозор нархининг энг юқори ўсиши “O'zbekiston metallurgiya kombinati” АЖ /UZMK/ ва “O'zbekiston tovar-xomashyo birjasi” АЖ /URTS/да қайд этилган – мос равишда ▲+222,89% ва ▲+218,75%.

30 декабр ҳолатига хорижий инвестициялар иштирокидаги “Quvasoycement” АЖнинг /KSCM/ оддий акциялари нархи 555,6 минг сўмдан 610,0 минг сўмгача ошди ва ▲+9,8% га ўсди. “Qizilqumsement” АЖ /QZSM/ оддий акциялари нархи 2021 йилнинг шу даврига нисбатан ▲ + 62.91 %га ошиб, 3 990,00 сўмдан 6 500,00 сўмга етди.

“Ipoteka bank” АТБ /IPTB/ оддий акциялари баҳоси йил давомида 0,84 сўмдан 1,42 сўмгача кўтарилди ва нарх ▲+69,05%га ўсишни кўрсатди.

Облигациялар бозори

300 ▲ +98,2%

Битимлар миқдори

113,39 ▲ +68%

Битимлар ҳажми, млрд сўм

5 ▲ +1

Савдода қатнашган
эмитентлар миқдори

72 633 ▲ +15%

Савдо қилинган қимматли
қоғозлар миқдори

5

Савдо қилинган воситалар
миқдори

43/250

Облигациялар савдо
қилинган кунлар миқдори

Савдолар бўйича таҳлил

Тикер	Битимлар миқдори, дон	Облигация миқдори, дон	Битимлар ҳажми, сўм
AABK1	8	4 933	5 087 287 625
CRMT3	18	1 564	1 564 000 000
FDGR1	254	6 136	6 132 738 999
KPB4	9	50 000	50 000 000 000
UZMB2	11	10 000	50 610 920 000
Жами	300	72 633	113 394 946 624

/UZMB2/ корпоратив облигациялари билан тузилган – 50,61 млрд сўм. Энг кўп битимлар миқдори “FIRST DEVELOPING GROUP” МЧЖ /FDGR1/ облигациялари билан амалга оширилган - 254 дон.

Облигацияларнинг асосий қисми юридик шахслар томонидан сотиб олинган бўлиб, улар умумий савдо ҳажмининг 93,1% ни ташкил этди.

2021 йилда облигациялар бозорида жами 300 та битим тузилиб, уларнинг умумий ҳажми 113,39 млрд сўмни ташкил этди. 2021 йилги савдоларда 72 633 дон облигациялари билан 5 та эмитент иштирок этди.

Битимларнинг энг йирик ҳажми “O’zmetkombinat” АЖ

Эмитентлар бўйича таҳлил


Сўнгги 10 йил ичида биринчи марта масъулияти чекланган жамият облигациялари биржа котировкалари рўйхатига киритилди. 2021 йилда корпоратив облигациялари “Тошкент” РФБ платформаларида сотилган 5 та эмитентдан 2 таси масъулияти чекланган жамият бўлиб, улар: “CHUST RIR MIKROKREDIT TASHKILOT” МЧЖ /CRMT3/ va “FIRST DEVELOPING GROUP” МЧЖ /FDGR1/.

№	Эмитентнинг номи	Бозор сегменти	Тикер	Ном. Нарх	Қим. қог миқдори	Фонд ставкаси, %	Бойлангич жойлаштириш санаси	Сўндирилиш муддати	Жойланган қим. қог. миқдори	Жойланган қим. қог.нинг удуши	Купон тўловлари цикли
1	"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ	Bond Market	SQB4	100 000	100 000	МБ ставкаси - 1 %	10.08.2012	15.08.2022	20 000	20%	Ҳар чоракда
2	"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ	Bond Market	SQB6	1 000 000	50 000	МБ ставкаси + 2 %	05.12.2019	03.12.2022	50 000	100%	Ҳар чоракда
3	"Asia Alliance Bank" АТБ	Bond Market	AABK1	1 000 000	50 000	МБ ставкаси + 4 %	16.07.2019	15.07.2026	45 175	90%	Ҳар чоракда
4	"Kapitalbank" АТБ	Bond Market	KPB4	1 000 000	50 000	МБ ставкаси + 5 %	24.04.2020	21.05.2027	50 000	100%	Ҳар ойда
5	"FIRST DEVELOPING GROUP" МЧЖ	Bond Market	FDGR1	1 000 000	5 125	8% + узб. сўмининг АҚШ долларга девальвация/ ревальвация даражаси	04.02.2021	03.02.2022	5 125	100%	Ҳар чоракда
6	"CHUST RIR MIKROKREDIT TASHKILOT" МЧЖ	Bond Market	CRMT3	1 000 000	2 000	24%	03.04.2021	16.03.2024	1 564	78,20%	Ҳар чоракда
7	"Kapitalbank" АТБ	Bond Market	KPBA10	10 000 000	15 000	Корпоратив субординицияланган облигацияларнинг индексланган номинал қийматидан 6,5%	06.09.2021	30.08.2031	0	0%	Ҳар ойда
8	"O'zmetkombinat" АЖ	Bond Market	UZMB2	5 000 000	10 000	22%	24.12.2021	26.06.2023	10 000	100%	181 кунда

2021 йил якуни бўйича “Тошкент” РФБ облигациялар бозорида 5 та эмитентнинг 5 та инструменти билан савдолар бўлиб ўтди. 5 та облигациядан 2 таси қатъий белгиланган купон ставкага эга (/CRMT3/- 24%; /UZBM2/- 22%), “Asia Alliance Bank” АТБ /AABK1/ ва “Kapitalbank” АТБ /KPB4/ томонидан чиқарилган облигацияларнинг купон ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасига боғланган. “FIRST DEVELOPING GROUP” МЧЖ /FDGR1/ облигациясининг купон ставкаси ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбатан девалвацияси ёки ревалвацияси курси бўйича ўзгаради. Савдода қатнашган облигациялар тўлов муддати 1 йилдан 7 йилгача, купон тўловлари даврлари ҳар ойда, чоракда ва икки йилда бир марта мавжуд. Таклиф этилган энг юқори фоиз ставкаси 24% даражасида.

Облигация бозори воситалари таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2021 йил давомида асосий ставкани 14% даражасида сақлаб қолди.



Марказий банкнинг асосий ставкасига боғлиқ бўлмаган облигациялар орасида энг кўп сотилган облигациялар, сўндирилиш муддати 2022 йил февралда тугайдиган, “FIRST DEVELOPING GROUP” МЧЖнинг қимматли қоғозлари /FDGR1/ бўлди. Ушбу қимматли қоғозларнинг купон ставкаси ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбатан девалвацияси ёки ревалвацияси даражасига (+8%) боғланган.

“CHUST RIR MIKROKREDIT TASHKILOT” МЧЖ /CRMT3/ облигациялари

бўйича қатъий белгиланган фоиз ставкаси 24% бўлиб, 2021 йилда 18 дона салмоқли миқдордаги битимлар амалга оширилди. Йил давомида /CRMT3/ инструменти билан энг кўп битимлар апрелдан майгача бўлган даврда кузатилди, бунда 4 та битим амалга оширилди.

Қатъий белгиланган фоиз ставкаси 22% ва сўндирилиш муддати 1,5 йил бўлган “O’zmetkombinat” АЖ /UZBM2/ облигациялари 2021 йил 24 декабрда сотувга қўйилди ва шу куннинг ўзида қимматли қоғозлар 100% жойлаштирилди. Йил давомида ушбу облигациялар билан 50,61 млрд сўмлик 11 та битим амалга оширилган.

Дисклеймер

Ушбу таҳлилда келтирилган маълумотлар “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ (кейинги ўринларда “Тошкент” РФБ) мутахассислари томонидан тайёрланган. Ушбу шарҳ фақат маълумот учун мўлжалланган. “Тошкент” РФБ ҳамда ходимларнинг ҳеч бири ушбу кўриб чиқиш ёки унда келтирилган маълумотлардан фойдаланиш натижасида юзага келган тўғридан-тўғри ёки билвосита йўқотишлар (зарарлар) учун жавобгар эмас.

“Тошкент” РФБ инвесторларни муайян инвестициялар ва стратегияларнинг мақсадга мувофиқлигини мустақил баҳолашга чорлайди ва инвесторларни лицензияланган инвестиция воситачилари хизматларидан фойдаланишга ундайди.

Ушбу таҳлил бўйича барча ҳуқуқлар “Тошкент” РФБга тегишли. Ушбу таҳлилий материални қисман ёки тўлиқ кўпайтириш ва/ёки тарқатиш манбани кўрсатмасдан амалга оширилмайди.

© «Тошкент» Республика фонд биржаси АЖ

Шарҳ “Таҳлил ва савдо статистикаси” бўлими томонидан тайёрланган.

Боғланиш учун контактлар:

E-mail: mahkamova70@gmail.com

Тел.: +998 71 267-18-23